

“ФЛЕШМОБ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИНҚИРОЗЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШДАГИ РОЛИ

ХАСАНОВ Бобуржон Хакимович

*Ички ишлар вазирлиги ходими,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
sherzodxamrayev1990@gmail.com*

АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кунда интернет оламида шиддат билан ривожланган даврда, деструктив кучлар томонидан мамлакат ичида оммавий норозилик намоёнлигини ташкиллаштириш, уни бошқариш билан боғлиқ муаммолар осонлик билан ҳал этилмоқда. Бу каби ҳолатларни ташкиллаштиришда оммавий норозилик намоёнлигининг “флешмоб” кўриниши айни муддао. Мазкур мақолада “флешмоб” тўғрисида тушунча, унинг жамиятга келтирадиган ноҳуш оқибатлари, уни олдини олишдаги профилактик тадбирлар ҳусусида ёритилган.

***Калит сўзлар:** норозилик, намоёнли, оммавий, омил, флешмоб, тартибсизлик, ижтимоий-сиёсий вазият, хавфсизлик, фалсафа.*

ПОНЯТИЕ «ФЛЕШМОБ» И ЕГО РОЛЬ В ВОЗНИКНОВЕНИИ КРИЗИСНЫХ СИТУАЦИЙ

ХАСАНОВ Бобуржон Хакимович

*Сотрудник Министерство внутренних дел
sherzodxamrayev1990@gmail.com*

АННОТАЦИЯ

В наше время в бурно развивающемся мире Интернета легко решаются проблемы, связанные с организацией и управлением деструктивными силами массовых протестов в стране. Появление «флэшмоба» публичного протеста – очень важный фактор в организации подобных дел. В данной статье рассмотрено понятие «флэш-моб», его неприятные последствия для общества, профилактические меры по его предотвращению.

***Ключевые слова:** протест, демонстрация, масса, фактор, флешмоб, беспорядки, общественно-политическая ситуация, безопасность, философия.*

THE CONCEPT OF "FLASHMOB" AND ITS ROLE IN CAUSING CRISIS SITUATIONS

KHASANOV Boburjon Khakimovich

Employee of the Ministry of Internal Affairs

sherzodxamrayev1990@gmail.com

ABSTRACT

Nowadays, in the rapidly developing world of the Internet, the problems associated with the organization and management of the destructive forces of mass protests in the country are easily solved. The appearance of a "flash mob" of public protest is a very important factor in the organization of such cases. This article discusses the concept of "flash mob", its unpleasant consequences for society, preventive measures to prevent it.

Key words: *protest, demonstration, mass, factor, flash mob, riots, socio-political situation, security, philosophy.*

КИРИШ

Маълумки, сўнгги бир асрда гигимон давлатлар томонидан ер шарини минтақаларга бўлиш, тарафдор бўлмаган кичик давлатларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва криминоген вазиятни издан чиқариш орқали аҳолини оммавий норозиликлар тўлқинига тушириш ва амалдаги ҳукуматни ағдариш амалиёти кенг фойдаланилмоқда.

Бу борада оммавий норозилик намойишининг "флешмоб" кўринидаги ҳаракатларни амалга ошириш, ёшлар онгига интернет тармоғи орқали ёд ғояларни сингдириш, ушбу орқали бир вақтнинг ўзига оломонни майдонларга олиб чиқиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Тадқиқот натижаси

"Флешмоб" инглизча сўз бўлиб, *Flash* – учқун ва *mob* – оломон деган маънони англатади. Немис тилида *mob* – сўзи ярамаслар деган маънода ҳам ишлатилади. Демак "Flashmob" сўзи "ярамаслар тўдаси" деган маънони ҳам ифодалайди.

"Флешмоб" маъно жиҳатдан илгари мавжуд бўлган "Хепеннинг" атамасига яқин келади. Хепеннинг – (инг. *Happening* – содир бўлмоқ) театр намойишида олдиндан дастурда бўлмаган ғоянинг авж олиши ёки қандайдир ҳодисанинг томошабинлар ҳамкорлигида бирданига тез ривожланиши тушунилади.

Бугунги кунда флешмоб атамасини реклама, ОАВ саҳифаларида турли дастурларда ҳар ҳил соҳа мутахассислари ишляпти. Ортида учинчи томоннинг ғаразли ғоялари беркингани учун ушбу атама ҳамон тўлиғича, батафсил еритиб берилгани йўқ.

Флешмоб – бу бир тўда одамларнинг интернет орқали ёпиқ келишган ҳолда тўсатдан бир ерда пайдо бўлиши ва олдиндан ўйланган тартибсизликни содир этиш биланок, тезда яна ғойиб бўлишдир.¹

Ташкил этилган ижтимоий–маърифий тадбирлар билан флешмоб ўртасида катта фарқ бор. Флешмоб кўйидаги хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

- Тўсатдан юз бериши;
- Марказлашган бошқарувнинг йўқлиги;
- ижтимоий–маъмуриф мақсадларнинг йўқлиги;
- флешмоб қатнашувчилари бир–бирини танимаслиги;
- ОАВда флешмобни ёритишни рад этиш.

Ғаразли кучларнинг қуролига айланган флешмоб кишилар ўртасида низо чиқариб, оммавий норозилик намоишлар ва тартибсизликларга сабаб бўлмоқда. Миллатраро ва дўстона муносабатларга совуқчилик солмоқда.

Флешмобчилар оломон тўдасини ташкил қилиб, норозилик ҳаракатларини четда турган ҳолда кузатишяпти. Оқибатда ҳалқларнинг маънавияти, ўзлигини барбод этиб, уларнинг моддий бошлйларини эгаллаб олишмоқда.

Флешмобчилар бутун дунё бўйлаб олиб бораётган ҳаракатларнинг бир қанча турлари мавжуд. Улар ҳеч кимга сездирмаган ҳолда интернет орқали оломон ичига йўл топиб, кириб боради. Ҳозирги кунда ёшлар ахлоқни, дунёқарашини бузадиган жуда кўп қилиқлар, асосан флешмобнинг ватани бўлган ғарб давлатларидан тарқалиши ҳеч кимга сир эмас.

Флешмоб ўтказишнинг энг асосий шартини унинг кутилмаганда, кўкқисдан содир этилишидир. Шунингдек, унда ташкилий раҳбар бўлмайди. Флешмобни ўйлаб топганлар, аслида унинг сиёсий ва реклама тадбирларидан ҳоли бўлишини ишташган эди. Шунинг учун ҳам компьютер ўйинлари каби нарсалар каби муккасидан кетиб, жуда қизиқадиган ёшлар худди ўйин сингари, бу йиғинни ҳам ўйлаб топишган. Аксар ҳолларда бундай тадбирга тўпланадиганлар бир–бирларини умуман кўрмаган бўлади, фақат исмларини ғойибона билишади, холос.

¹ А.Хасанов. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя/ Т, 2016.

Флешмобчилар, аввало ҳалқ онгига ўз жирканч ғояларини сингдириш, ёшларни унга мослаштириб, норозилик кайфиятида ушлаб туриш оқибатида қора мақсадларга етишга интилишади.

Ҳозир флешмоб Ўзбекистон ёшлари маънавиятига ҳам сездирмаган ҳолда таҳдид солмоқда. Флешмоб ёшлар тарбиясига қуйидаги воситалар орқали салбий таъсир кўрсатмоқда:

- Ғарб фильмлари, мусиқалари ва клирлари;
- Интернетдаги ижтимоий тармоқлари;
- Уяли телефонлар;
- Ҳаёсизликни тарғиб қилувчи ахборот воситалари;
- Виртуал ўйинлар.

Террорчи ва бузғуни кучлар томонидан флешмоб оммавий норозилик намоёишларини ёки тартибсизликларни содир этишнинг сабаб ва оқибатлари қуйидагилардан иборат:

1. Бугунги кунда флешмоб намоёишини ташкил этишни таъқиқловчи аниқ қонун ҳужжатлари мавжуд эмас. Агарда буйдай ҳаракатлар содир этилган тақдирда, қатнашчиларга билвосита айблар қўйилади, лекин иштирокчиларнинг бир–бирига бегона эканлиги вазиятни янада чигаллаштиради. Масалан, бундай воқеани юзага келтиргани учун қатнашувчилар оммавий норозилик намоёишлар ўтказиш тартибини бузганлик билан айбланиб қолиши мумкин. Бироқ бунда барибир флешмобнинг асосий ташкилотчилари панада қолиб кетади.

2. Флешмоб намоёишини ташкил этиш босқичлари юқори даражадаги ёпиқлик ва яширин тарзда амаога оширилади. Шунинг учун бундай ҳаракатни олдиндан аниқлаш ва аҳолини огоҳлантириш жуда мушкул.

3. Оддий флешмоб намоёишида ҳам кўп одамларни бир жойга қуққисдан тўплаш имкони бор ва тўс–тўполонларни содир этиб, бир лаҳзада воқеа жойидан қочиб қолиш мумкин.

4. Флешмоб ташкилотчилари, асосан, асосан, ёшларни, яъни ҳали оқни қорадан ажрата олмайдиган, болаларни офат домига тортишга уринишади. Оқибатда, бундай ёшлар нопок кимсаларнинг ноғорасига ўйнаётганини ўзлари ҳам сезмай қолишади.

5. Флешмоб хабарлари иштирокчиларнинг бир–бирига зудлик билан тарқалиши ва қисқа фурсатда ўз–ўзидан кўпайиши бузғунчиларга жуда қўл келади.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган воқеа–ҳодисалар шуни кўрсатмоқдаки, флешмоб намоёиши ғаразли кучларнинг қораниятига етиши учун асосий восита ролини ўйнамоқда.

Маълумки, ғарбдан интернет орқали кириб келаётган маълумотларда, асосан, ёшларни босиқма–босқич ўзлигидан айириш, миллий анъаналарга ва урф–одатларига бегона қилиш, тарихий хотирасини қирқиш орқали миллатлар устидан ҳукмронликка эришиш тамойили борган сари кучаймоқда.

Мураккаб ва шиддатли кечаётган ахборот асрида, флешмобнинг ёшлар тарбиясига ўтказётган салбий таъсирларидан химоялаш учун қуйидаги йўналишларга катта эътибор қаратиш лозим:

- Миллий ва диний қадриятларимизни ўзида акс эттирадиган интернет сайтлари, мультимедиа ва роликларини кўпайтириш;
- Ижтимоий рекламаларни кўпайтириш ва унинг таъсирчанлигини ошириш;
- Тарбиявий ва маънавий–маърифий ишларни ташкил этишда ёшларнинг истак ва хоҳишларини инобатга олиш, унда ҳар қандай мажбурлашлардан воз кечиш, ёшларнинг қизиқишини тартибга солиш ва тўғри йўналтириш;
- Асрлар оша қон–қонимизга сингиб кетган диний қадриятлар – ота–онани улуғлаш, оилани муқаддас сақлаш, фарзанд бурчи, меҳр–оқибат, иффат, ор–номус, ҳаё каби фазилатларга содиқ қолиш;
- Ёшларнинг жамият ва миллат олдидаги инсоний бурчларини тўлақонли англашлари, халқ бахт–саодати ҳамда юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилишларига эришиш учун барча шарт–шароитларни ташкил этиш;

Шунингдек, таълим–тарбия жараёнида ёшларда соғлом эътиқодни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши, глобаллашув шароитида тарбия жараёнини тўғри йўлга қўя билиш лозим.

ХУЛОСА.

Жамиятга таҳдид солувчи иллатларга қарши курашда бой маънавият ва муқаддас ислом динининг эзгу таълимотлари ёшлар учун жуда улкан ҳалоскор куч вазифасини бажаришини унутмаслик керак.

Ибн Можа (раҳимахуллох) ривоят қилган ҳадисда: “Расулulloх(соллalloху алайҳи ва саллам) *“Менинг умматим залолатда жам бўлмайди. Агар ихтилофга дуч келмасангиз, кўпчиликка эришинг”*, – деб марҳамат қилинган.

Оқибатини билмай туриб ёки билса ҳам қандайдир мақсадлар илинжида ёшларни флешмоб сингари тартибсизликларга чиқаришга чақираётган кимсалар Қиёмат куни Аллох тоало ҳузурида қаттиқ азобга йўлиқади. Чунки улар ҳали оқ билан қорани ажрата олмайдиган ёшларни йўлдан уриб, жамият ва кишилар тинчлигига раҳна солмоқла. Бундай ҳолатларнинг олдини олишга доимо ҳушёр бўлиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият–енгилмас куч. Т. 2008;
2. Алимов У. Оилада фарзанд тарбияси. Т. 2014;
3. Алимов У. Ёшлар келажагимиз. Т. 2008;
4. Тулепов А. Интернетга ин қурган ўргимчак. Т. 2014;
5. Иброхимов А. Ватан туйғуси. Т. 1996;
6. Уватов У. Халқаро терроризм: тарих ва замонавий муаммолари. - Т. 2002;
7. Хасанов А. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя/Т–2016;
8. Что происходит на границе Кыргызстана и Таджикистана? Читайте больше:nur.kz/world/1988319;
9. Ҳиндлар нега Исломга қарши исён кўтармоқда. <https://sputniknews-uz.com>;
10. Авцинова Г. И., Воронина Е. Ю. Инновационные формы протестной активности молодежи // PolitBook. 2014;
11. Беспалов М. Флэшмоб как метод художественного сознания [Электронный ресурс]. 2017;
12. Искусство создавать акцию: Межрегиональная молодежная общественная организация
13. «Новые Люди». Волгоград, 2007 [Электронный ресурс];
14. Мельник Г. С. Тактические медиа в деструктивных технологиях протеста // Вестник Санкт-Петербургского университета. Сер. 16. Психология. Педагогика. 2015;
15. Носик А. А. Публичные политические сетевые институции и процессы мобилизации: сетевой анализ протестного ядра и его формирования // Век информации. 2017;